Тошкент ҳақиқати

№ 21 (10.447).

1993 йил 18 февраль пайшанба

Нархи 5 сўм.

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

СУРАТДА: учрашув чоғида. А. Зуфаров олган сурат. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий ҳамкорлик бошқармаси бош директорининг ўринбосари Хидеаки Уэда раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш, молиявий ёрдам ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя солиш масалалари ҳақида сўз борди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЧУН НИЗОМДАГИ САРМОЯНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва банк муассасалари ўртасида соғлом рақобатчиликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг:

1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб амалдаги ва янгидан ташкил қилинадиган тижорат банклари учун низом жамғармасининг энг оз миқдорини 100 миллион сўм, кооператив ва хусусий банклар низом жамғармасининг энг оз миқдорини 50 миллион сўм қилиб белгилаш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан 1993 йилнинг 1 июнигача тижорат, кооператив ва хусусий банкларни мазкур фармоннинг 1-банди талабларини ҳамда уларнинг бундан буён ишлаши қай даражада мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни белгиланган тартибда республика Олий Кенгашига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 16 февраль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Шу йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1992 йил якунлари муҳокама қилинди. Республикада иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги камчиликлар очиб ташланди ва шуни ҳисобга олиб 1993 йилги вазифалар белгилаб берилди. Вазирлар маҳкамасининг қуйида эълон қилинаётган қарорида шу вазифалар ўз ифодасини топган.

Вазирлар маҳкамаси 1992 йилнинг якунларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида, ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликларида муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНЛАРИ, БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА 1993 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджетнинг белгиланган кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, истеъмол бозорини мол билан тўлдириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан ўтган йилнинг охирида эришилган ижобий тамойилларни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитетининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг 1992 йилги иш якунлари, бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ижроси ҳамда 1993 йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда муҳокама этиб, аниқ амалий чора-тадбирлар кўриш учун вазирликларга, идораларга, концернларга, уюшмаларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимларига юборилсин.

Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитетининг маърузасида республика халқ хўжалиги тармоқларидаги иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш, иқтисодиётни бошқаришнинг тузилишини янада такомиллаштириш қандай бораётгани тўла-тўкис таҳлил этилмаганлиги, деҳқончилик соҳасидаги ва сармоя сарфлаш борасидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари очиб берилмаганлиги, молиявий барқарорлашувни таъминлаш, корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ҳисоб-китобларни нормал изга солиш йўллари кўрсатилмаганлиги қайд этилсин.

2. Вазирликлар, идоралар, давлат комитетлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув идоралари республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, унинг кўмакчи тузилмаларини вужудга келтириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги ишни етарлича фаол ўтказмаётганликлари қайд қилинсин.

Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг (Турсунов, Абдураҳмонов, Бердиевларнинг) диққат-эътибори бюджетни тўлдириш заҳираларини қидириб топиш, саноат ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймаслик, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилишни кўпайтириш, ўзларига қарашли жойлардаги аҳолини шу маҳсулотлар билан зарур миқдорда таъминлаш соҳасидаги иш етарли эмаслигига қаратилсин.

Республика учун ҳаётий муҳим маҳсулот ишлаб чиқариш пасайишига йўл қўйган Ўзбекистон Давлат химия саноати концерни, Ўзбекистон Давлат металлургия саноати концерни раҳбарлари (Мирхўжаев, Мақсудов)нинг қониқарсиз ишлаганлиги қайд этилсин ва улардан ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ички бозорни мол билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан зарур бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриш талаб қилинсин.

3. Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети (Ҳамидов) Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, бошқа вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув идоралари билан биргаликда бундан буён халқ хўжалиги тармоқларининг ҳисобот даврида-ги иш якунларига оид материалларни ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш негизида тайёрлаб, уларни келгусида босқичма-босқич ривожлантиришни таъминлашга оид аниқ-равшан таклифлар ишлаб чиқсин.

Бунда қуйидаги бешта асосий қоидага риоя этилсин:

иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, иқтисодиёт мафкурадан халос қилиниши лозимлиги;

асосий ислоҳотчи давлатдир. Бозор муносабатларига ўтишни изчиллик билан амалга ошириш чоғида иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш жиловини қўлдан бериб бўлмайди, халқ хўжалиги бошқариладиган бўлишини таъминлаш лозим;

ҳамма жойда бошқарувнинг барча поғоналарида ижрочилик интизоми ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлансин, Республика Конституцияси ва қонунларининг устиворлиги таъминлансин;

аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш воситаларини яратиш, кўрсатиладиган ёрдам кимларга берилишини аниқ белгилаб қўйиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир;

бозор муносабатларини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади. Жорий давр вазифалари ҳал этилишига қараб навбатдаги босқичларга ўтилади, бу эса бошбошдоқликка йўл қўймаслик, қийинчиликларни бартараф этиш, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш имконини беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Боқибоев):

Ўзбекистон Республикаси марказий банки билан биргаликда шу йилнинг биринчи ярмида мавжуд давлат заёми билан бир қаторда бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш ва сотиш орқали бюджет камомадини пул билан таъминлаш воситасини яратиш масалаларини пухта ишлаб чиқсин.

(Давоми 2-бетда).

КАРАМ ЭКИБ ҚЎЙИЛДИ

ТОШКЕНТ. (Ўз мухбиримиздан). Далачиликда ҳар бир имконнятдан оқилона фойдаланган, мўлжалдаги тадбирларни ўз вақтида амалга оширган деҳқон ҳеч вақт ютқазмайди. Ўтган йили районда ерлар ўз вақтида ҳайдалиб, ҳар бир экин учун ажратилган пайкаллар тупроқ шароити ҳисобга олиниб, ўғитлаб, эгат олиб қўйилган эди. Эртаги карам учун ажратилган майдонларга ҳам алоҳида ишлов берилган. Февраль ойининг дастлабки кунларида илиқ иссиқ келган об-ҳаво қулайлигидан фойдаланган деҳқонлар иссиқ хоналарда тайёрланган сара кўчатларни далага олиб чиқиб экишни бошлаб юбордилар. Айниқса бу иш Навоий номли, Ғиёс Умаров номли жамоа хўжаликларида уюшқоқлик билан ташкил этилди. Экилган кўчатлар пешма-пеш плёнка тагига олиб қўйилди. Мана, энди ҳаво совиб кетиб, қор ёққан бўлишига қарамай, бу кўчатлар плёнка тагида ўсмоқда.

Ҳаммаси бўлиб, бу йил районда 400 гектарга яқин майдонга эртаги карам экилади. Шу мақсадда иссиқхоналарда етарли кўчат тайёрланди. Уларга вақтида ишлов берилди. Тошкентликлар аҳолига эртаги сабзавот етиштириб беришни барвақт бошлаб юбориш учун бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланмоқдалар. 50—60 гектар майдонда редиска, 100 гектар майдонда сабзи плёнка тагида етилмоқда.

• *Вилоят ҳокимлигида*

ОБУНАНИНГ ЯКУНААРИГА ДОИР

Вилоят ҳокимлигида шаҳар ва район ҳокимлари муовинлари, вилоят, барча шаҳар ҳамда район газеталарининг муҳаррирлари, босмахоналарнинг директорлари ва матбуот тарқатиш хизмати ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда газета ва журналларга 1993 йил учун ўтказилган обунанинг якунлари муҳокама қилинди. Бу ишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалалар таҳлил этилди. Умуман вилоятда вақтли матбуотга обуна ўтказиш, хусусан вилоят рўзномаларини тарғиб этиш ишлари анча пухта, уюшқоқлик билан ташкил этилганлигини таъкидлаш билан бирга йўл қўйилган қатор камчилик ва нуқсонлар, айрим жойларда эътибордан четда қолган масалалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, 1993 йил учун обуна вилоятимиздаги барча шаҳарларда кўпгина районларга нисбатан ташкилий жиҳатдан пухтароқ ва ўз муддатида ўтказилди, кам таъминланган меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилди, улар корхона, ташкилотлар ва бошқа жамғармалар ҳисобидан имтиёзли ёки бепул обуна қилиндилар. Шу боисдан ҳам шаҳарларда мўлжалланган миқдорни бир неча бор оширишга эришилди.

Бундан ташқари барча шаҳарларда ҳар икки вилоят газетасига иқтисодий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг ҳисобига маблағ ҳам ўтказиб бердилар.

Вилоят ҳокимлиги обунани ташкил этишда алоҳида ташаббус ва ўрнак кўрсатган, катта ташкилий иш олиб борган ҳокимларнинг муовинларини рағбатлантириш мақсадида уларни қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотлади. Йиғилишни бошқарган вилоят ҳокими муовини Ҳ. Ҳамидов Олмалиқ шаҳар ҳокими муовини Мамат ака Турсуналиев, Ангрен шаҳар ҳокими муовини Тўйчи Муталлимов, Чирчиқ шаҳар ҳокими муовини Ферузахон Халилова, Тошкент район ҳокими муовини Сирожиддин Аъзамов ва Бўстонлиқ район ҳокими муовини Раҳимберди Норов ўртоқларга ана шу эсдалик совғаларини миннатдорчилик сўзлари билан топширди.

Шундан сўнг йиғилишнинг давоми вилоятимиздаги шаҳар ва район газеталарининг 1992 йилги иш фаолияти ва иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этишга бағишланди. Бу масала юзасидан вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Ш. Миралимов ахборот берди. Шаҳар ва район газеталарининг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш, полиграфия сифатини яхшилаш, иқтисодий кўрсаткичларини ўстириш, обуначилар сонини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Шунингдек, йиғилишда ҳокимлар муовинларининг фаолиятлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиб олинди.

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ— ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўз йўлини танлаб олган ва мустақилликни мустаҳкамлаш режаларини амалга ошираётган республикамизда ҳар томонлама баркамол, эл манфаати йўлида фидойилик билан хизмат қиладиган ҳалол, софдил инсонни тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир. Сабот ва малака талаб қиладиган бу ишни рўёбга чиқаришда ҳуқуқ-тарғибот, ички ишлар, адлия идоралари, халқ таълими муассасалари билан бир қаторда жамоатчилик ташкилотлари — Ёшлар иттифоқи, маҳалла қўмиталари ва оилаларнинг биргаликдаги фаолияти ижобий самаралар бериши ҳаётий тажрибалардан маълум. Аммо сўнгги йиллар ичида ана шу ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг сусайиши туфайли ўсмирлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар даражаси анча пасайиб кетди. Бу эса турли салбий оқибатларга олиб келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Вояга етмаганлар орасида содир этилаётган жиноятлар сони маълум даражада камайса-да, улар хусусиятига кўра яна ҳам оғирроқ ҳолатларда намоён бўлмоқда. Жиноятларнинг олдини олишга қарши тадбирлар етарли даражада эмас. Айбдорлар, жиноятчиларни жамоатчилик олдида, маҳаллаларда муҳокама этиш, очиқ суд қилиш каби илгари қўлланилиб келинган тарбиявий омиллардан деярли фойдаланилмаётир.

Ўтган куни вилоят ҳокимлигида ўзининг биринчи таъсис йиғилишини ўтказган «Тошкент вилоятида вояга етмаган ёшлар тарбияси ва улар томонидан содир этилаётган қонунбузарлик масалаларини муҳокама этиш ҳамда тадбирлар белгилаш комиссияси» аъзолари ана шу мавзу атрофида сўз юритдилар.

Хусусан, шу масала юзасидан сўзга чиққан, мазкур йиғилишга таклиф этилган вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси Эркин Азимов, йиғилишда комиссия аъзолари қилиб сайланган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Бахтиёр Ҳакимов, вилоят суди раисининг биринчи муовини Сурат Юсупов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ёқуб Бозорбоев, вилоят болалар жамғармасининг раиси Мунира Солиҳова, вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитасининг раиси Наима Жабборова, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Солижон Воҳидов, вилоят ҳокимлиги ҳуқуқ бўлими мудири Сайёра Хўжаева, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Акром Алимов ва бошқалар ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўсмирлар орасида қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 15 кишидан иборат тузилган бу комиссияга Тошкент вилояти ҳокими муовини Баҳодир Махситов раис, вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Ҳамидулла Ҳолмуҳамедов котиб этиб сайландилар.

Бундан буён комиссия аъзолари бевосита вилоят шаҳар ва районларига чиқиб ўсмирлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни ўрганиш, таҳлил этиш ва бу борада самарали тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар.

«КИМ ПЕН ХВА»— ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

ЎРТАЧИРЧИҚ районидаги бу корпорацияда истиқлол туфайли рўй бераётган ўзгаришлар тобора кўзга ташланмоқда. Бундан бир неча йиллари илгариёқ далачилик ишлаб чиқаришини саноат билан уйғунлашган ҳолда олиб бораётган хўжаликда энди ўзининг йигирув фабрикаси, ёғ заводи, тўқув цехи, 18 та кичик корхонаси ва илмий маркази мавжуд. Корпорацияда акционерлар жамияти тузилган. Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу ишдан деҳқонлар беҳад мамнун. Жамоа хўжалигида олинган соф даромаднинг салмоқли қисми акционерларнинг йиллик даромадига қўшилиб анча барака киритди. Бу корпорация тўғрисидаги материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

● СУРАТЛАРДА: корпорация кичик корхоналари фаолиятидан лавҳалар. Д. АҲМАД олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛГИ ИШ ЯКУИЛАРИ, БЮДЖЕТИНИГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА 1993 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Шу йилнинг биринчи чораги якунлари юзасидан давлат солиқ бош бошқармаси билан биргаликда амалдаги солиқ тизими ва бериб қўйилган имтиёзларнинг ишлаб чиқаришни, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш, умуман иқтисодиётни соғломлаштириш учун таъсирини ўрганиб чиқиб, шу йил 15 майга қадар Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда шу йил 1 апрелга қадар халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ўз айланма маблағлари нормативларини белгиласин, унда бозор муносабатларини шакллантириш шароитида корхоналарнинг барқарор ишлаб чиқариш-молия фаолиятини таъминлашни, ўз молиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш учун уларнинг иқтисодий масъулиятини оширишни ҳисобга олсин;

нарх-наво ва тарифларни белгилаш, ўзгартириш, уларни қўллашни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси, шунингдек якка ҳукмрон корхоналар томонидан нархларнинг эълон қилиниши тўғрисидаги, якка ҳукмронликка қарши фаолиятни амалга оширишга оид давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги низомларнинг лойиҳаларини бир ҳафта муддатда пухта ишлаб чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига киритсин;

давлат солиқ бош бошқармаси билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, шу йил 1 мартгача Вазирлар маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (Муллажонов):

тижорат банклари билан биргаликда шу йил февралда Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг МДҲ давлатлари ва бошқа республикалар билан 1993 йил 1 январга бўлган ўзаро қарздорлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш, бартараф этилмай қолган қарз мажбуриятларини шу йил 15 апрелгача ҳукуматлараро кредит тарзида қайта расмийлаштириш;

тижорат банклари билан биргаликда ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, шу жумладан МДҲ давлатларига ва бошқа республикаларга етказиб берилаётган маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўланишини таъминлаш чораларини кўриш;

Алоқа вазирлиги, тижорат банклари, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон жамғарма банки билан биргаликда йилнинг биринчи ярми давомида ҳисоб-китоб аъмолларини жадаллаштириш ва пул-кредит заҳираларини бошқариш учун банк муассасалари тизимини, компьютерлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Давлат солиқ бош бошқармаси (Гатаулин):

ижроия ҳокимият маҳаллий идоралари, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда республика ҳукуматининг илгари қабул қилган қарорларига биноан бюджетга солиқлар ва тўловлар тўлатўкис, ўз вақтида тушиши устидан назоратни кучайтириш, ҳисобга олинмаган солиқ тўловчиларни аниқлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш йўлларини тўсиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Молия вазирлиги, Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети, Меҳнат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари билан биргаликда даромадларни ҳужжатлаштириш тизимини жорий этишга оид таклифларни икки ой муддатда тайёрлаб, Вазирлар маҳкамасига топширсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг олинаётган даромадларни яширганлик учун ҳуқуқий ва жисмоний шахслар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги қонунларга ўзгаришлар киритишга оид таклифларни бир ой муддатда топширсин.

7. Деҳқончилик-саноат мажмуи (Жўрабеков) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари билан биргаликда чорвачиликда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, шу жумладан жамоат қорамолларини жамоа ва хусусий мулк қилиб топшириш, шунингдек деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш учун қўшимча имтиёзлар бериш масалаларини кўриб чиқсин. Мазкур масалалар юзасидан ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини бир ой муддатда тайёрлаб, топширсин.

8. Умумий иқтисодиёт мажмуи (Ҳамидов):

Ўрта Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил 4 январда эришган ахдлашувига биноан Вазирлар маҳкамасининг бошқа мажмуалари, «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда шу йил 15 апрелга қадар республика ҳукуматига маълумот бериш учун ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни, ишлаб чиқаришни кенг миқёсда бирлаштиришни чуқурлаштириш ва ривожлантириш, келишилган солиқ, нархнаво, пул-кредит ва божхона сиёсатини амалга ошириш масалаларини пухта ўрганиб чиқсин.

Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Фанлар академияси, давлат фан ва техника комитети, бошқа вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни жаҳон ҳамжамияти билан бирлаштириш вазифаларига асосланиб, импортни қисқартиришни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилиятини оширишни назарда тутиб, 1993—1994 йилларга мўлжалланган экспортни кенгайтиришнинг махсус дастурини 1993 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг муҳокамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (Норбоев):

Ижтимоий таъминот вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан биргаликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш воситасини такомиллаштиришга, муҳтожларга ёрдам пули, нафақа ва бошқа тўловларни уларнинг ҳақиқий даромадлари билан боғлиқ равишда бериш пайтида кўрсатиладиган ёрдамнинг мақсадга йўналишини кучайтиришга оид таклифларни шу йилнинг биринчи ярми мобайнида тайёрласин;

Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда аҳолининг даромадлари ва харажатлари кўпайишини йилнинг ҳар бир чорагида таҳлил этиб, зарурат туғилган тақдирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида мазкур даромад ва харажатларни тартибга солишга оид таклифларни ҳукуматга тақдим этсин.

10. «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси (Шарипов) Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги (Султонов) ва Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан биргаликда Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий муносабатларини, шу жумладан Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳукуматлараро битимларга оид хўжалик алоқаларини таҳлил этсин ва мол айирбошлашнинг структураси мувозанатлиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан шу йил 1 апрелга қадар Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

мавжуд заҳираларни сафарбар этиш, ишбилармонликни ва хусусийлаштиришни ривожлантириш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширсинлар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат ресурсларини ошириш, истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш ишини фаоллаштирсинлар;

хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, давлат маблағини ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳолларини тагтомири билан тугатсинлар;

ҳукуматнинг шу масалалар юзасидан илгари қабул қилган қарорлари бажарилишини таъминламаётган туман ва шаҳарларнинг, вилоят бўлинмаларнинг раҳбарларига принципиал баҳо берсинлар.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар маҳкамаси мажмуаларининг раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

АНИҚ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Вилоятимиз шаҳар ва районларида республика Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси иши якунлари ва Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби юзасидан фаоллар йиғилишлари ўтмоқда.

Оҳангарон районида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши қатнашчилари Олий Кенгаш ўн биринчи сессияси қарорларидан ва И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар асосида район меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Район ҳокимининг биринчи муовини М. Дўсбоев қилган маърузада, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Навоий номли давлат хўжалиги директори Н. Матиброҳимов, Қорахитой қишлоқ кенгаши «Булоқ» маҳалла қўмитаси раисининг муовини И. Ғофуров, район хотин-қизлар кенгаши раиси Б. Мадаминова, халқ таълими бўлими мудири Б. Йўлдошев, район прокурори А. Набиевнинг сўзларида асосий эътибор ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг деҳқончилик соҳасида хўжалик юритиш усулларини такомиллаштириш, умумий таълим мактаблари ўқувчиларини бозор иқтисодиётида ишлашга тайёрлаш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, Оҳангарон районининг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва атроф-муҳити мусаффолигини яхшилашга қаратилди.

Фаоллар йиғилишида Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Ҳамидов сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т. Рисқиев қатнашди.

* * *

Республикамиз мустақиллиги эълон қилиб, янги йўлга чиқиб олган бир шароитда тинчлик, миллатлараро иноқлик ва сиёсий барқарорлик ғоят муҳимдир. Район ҳокими Қ. Элчибоевнинг фаоллар йиғилишида қилган маърузасида билдирилган ана шу фикрни сўзга чиққан ўртоқларнинг барчаси якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Бўка районида бўлган бу йиғилиш республика Олий Кенгаши ўн биринчи сессияси қарорларини амалга ошириш ва Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида олға сурилган фикрларга бағишланди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, район деҳқончилик саноати бирлашмаси раиси Х. Абдужабборов, таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси директори Р. Обидов, республика Марказий банки район бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи К. Чинтошев, район прокурори Н. Эргашев, Тимирязев номли колхоз раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотининг котиби Л. Маҳкамов ўртоқлар пахта ҳосилдорлигини, чорвачилик самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида ишлаётган меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Фаоллар йиғилишида Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ибобеков сўзга чиқди.

Йиғилишда республика Президенти девонининг масъул ходими И. Шодмонқулов қатнашди.

● Олмалиқ мебель фабрикаси жамоаси ҳозирги иқтисодий таназзул шароитида ҳам бир маромда ишламоқда. Барча имкониятлардан моҳирона фойдаланаётган мебелсозлар зиммаларидаги вазифаларнинг тўла ва зиёдаси билан бажарилишига эришмоқдалар. Бунда ишлаб чиқариш илғорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ушбу суратда сиз кўриб турган пардозловчилар Д. Эшонқулова ва Д. Маматқуловалар шулар жумласидандир. Улар ўз касбларини пухта эгаллаганликлари туфайли топшириқни доим 120 фоизга етказиб адо этишяпти ва фақат сифатли маҳсулот беришмоқда.

Д. АҲМАД олган сурат.

ЧОРАЛАР КЕСКИНЛАШАДИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг иш фаолияти ҳисоботига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Ҳисобот мажлисини олиб борган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ибобеков бу ерда йиғилган шаҳар, район ҳокимлари, йирик саноат, автомобиль корхоналари, хўжаликлар ва бошқа тегишли ташкилот, идора раҳбарларига вилоятимиз ҳудудида ҳамон турли маҳсулотларни четга олиб чиқиб кетишга уринни ҳоллари юз бераётганлиги, қиғир йўллар билан ҳужжатлар расмийлаштирилаётганлиги ҳақида гапириб, қатор далиллар келтирди. Айниқса маҳсулотларни айрибош қиламиз, деган мазмунда рухсатнома олиб, чиқариб юборилган моли ўрнига рўйхатда келтирилган маҳсулотларни эмас, қоғоз пул олаётганлар кўпчиликни ташкил қилади,— деди ўз сўзида Акромжон Солижонович,—улар шу йўл билан товар-моддий бойликларни сотмоқчи, эвазига эса қоплаб пул олмоқчи бўляптилар. Лекин республикамизга бу пулларнинг ўрнига маҳсулотлар келтириш мумкин-ку!

Четга мол чиқарган барча корхона, хўжаликларнинг ҳужжатлари, рухсатномалари махсус тузилган комиссия текширувидан ўтказилмоқда.

Нотиқ, шунингдек, бундан буён фақат сотувчи, омборчи ёки ҳайдовчи кабилар эмас, балки уларнинг раҳбарларига нисбатан қатъий чора кўрилажагини таъкидлаб ўтди.

Вилоят божхона бошқармаси бошлиғи А. Убайдуллаев божхона вужудга келган даврдан ҳозиргача бўлган фаолияти ҳақида ахборот берди. Ўтган йил давомида юз берган ноқонуний ҳаракатлар юзасидан бир қанча рақамлар ва далиллар келтирди:

— Ўтган йили 251 миллион сўмлик товар-моддий бойликларни четга чиқариб юборилишидан сақлаб қолинди,— дейди бошқарма бошлиғи.— Шундан 121 миллион сўмлиги мусодара қилинди. 2748 шахсга маъмурий ва бошқа чоралар кўрилган ҳолда 712 минг сўм миқдорида жарима солинди. 42 шахс устидан жиноий иш қўзғатилган бўлса, шундан 23 таси тугатилиб, ишлари халқ судларига оширилди. 235 маисабдор шахсга 158 минг сўм жарима солинди. 21 корхона раҳбари ҳам жазоланди.

Олмалиқ шаҳридан 10,5 миллион сўмлик, Ангрендан 9,5, Ўртачирчиқ районидан 5 миллион сўмга яқин, Бекобод шаҳридан 2 миллион сўмликка яқин, Бекобод, Бўстонлиқ, Чиноз, Янгийўл, Зангиота районларидан ҳам 1 миллион сўмликка яқин турли моддий бойликларимиз вилоятимиз ҳудудидаги чегара постларида тўхтатиб ушлаб қолинган. Бизнинг ишимизда вилоятимиз прокуратура ички ишлар бошқармасн ходимларининг ёрдами катта бўлмоқда.

— Ҳукуматлараро, хўжаликлараро шартномаларни тартибга солмай туриб, аҳволни кескин ўзгартириш қийин,— дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбоев.— Маълумки, Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги ва саноат кенг ривожланган. Шу сабабли маҳсулотларимизга талаб ва эҳтиёж катта. Лекин ҳозирда унинг бизга келтирилаётганидан олиб чиқиб кетилаётгани кўпайиб кетди. Бир қанча хўжаликлар раҳбарлари қоғоз пуллар кетидан қувиб, амалдаги қонунларни четлаб, кўзбўямачилик йўлига ўтмоқдалар.

Тошкент вилояти прокурори А. Маннонов, ички ишлар бошқармаси бошлиғи Н. Исмоиловлар ҳам сўзга чиқиб, божхона фаолиятига боғлиқ фикрлар билдирдилар.

Ҳисобот юзасидан қарор қабул қилинди.

Ҳисобот йиғилишида шунингдек, Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Л. Тернових ва вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдувосиқов иштирок этдилар.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКЛАР ЛИЦЕЙИДА

Физика математика фанлари номзоди Мирфозил Мирзааҳмедов номи газетамиз ўқувчиларига яхши таниш. «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида унинг турли мавзулардаги илмий-оммабоп мақолалари мунтазам бериб борилади. Иқтидорли мутахассис ўз фани билан биргаликда адабиётга, журналистикага ҳам чин ихлос қўйган. М. Мирзааҳмедовнинг ана шу фазилатлари, ўзига талабчанлиги, ТошДД доценти — ўқитувчи сифатида талабалар билан мулоқотда улар қалбига йўл топа олиши сингари хусусиятлари унинг ишига ривож бағишламоқда. Ўтган ўқув йили доирлфунун ректорати олимни ТошДД қошидаги С. Сирожиддинов номли математиклар лицейига раҳбар қилиб тайинлади.

— Ишларингиз кўпайиб кетгани сезилмоқда, домла, — дедик унга. — Сўнгги пайтларда муҳарририятларда кам кўринадиган бўлиб қолдингиз.

— Эътирозингиз ўринли. Лицейнинг ўзига хос ташвишлари анчагина бўлар экан. Ижодга вақт ажратолмай қолдим. Аммо бу вақтинчалик. Бу ердаги ишлар тўла изга тушгач, яна сизлар билан ҳамкорликни давом эттирамиз. Айтмоқчи, яқинда лицейимизда адабий кеча ўтказмоқчимиз. Келиб ана шу тадбирда иштирок этишингиз, фаолиятимиз билан чуқурроқ танишишингиз мумкин.

Дарҳақиқат, учрашув бошлангунга қадар биз лицей ҳақида домладан анчагина маълумотларни билиб олдик.

Бундан йигирма уч йил аввал таниқли математик олим, йирик илм-фан ташкилотчиси, марҳум С. Х. Сирожиддинов асос солган ушбу ўқув даргоҳини бугунга қадар 2,5 минг нафар талаба битириб чиққан. Улар республикамизда илм-фан тараққиёти, эл-юрт учун баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдалар. 120 нафар собиқ битирувчилар эса бугунги кунда фан номзоди деган унвонлар соҳибларидир.

1990 йилдан бошлаб эса мактаб-интернат Тошкент Давлат Дорилфунуни қошидаги С. Сирожиддинов номли лицей деб юритила бошланди. Айни кунларда лицейда 450 ўқувчи — математика, физика, химия ва биология бўйича чуқур ва пухта билим олмоқдалар. Уларга дарс бериш учун Тошкент Давлат дорилфунуни ва Ўзбекистон Фанлар академияси институтидан домлалар таклиф этиладилар. Улар орасида 5 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзодлари бор.

• Диққат, янгилик!

Лицейда аниқ фанлар билан бир қаторда чет ёки рус тили ўқитишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Барча зарур қўлланма ва адабиётларга бой кутубхона, кино ва спорт заллари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Улар кийим бош, 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминландилар.

— Бизни маблағ билан асосан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таъминлайди. Албатта бугунги кундаги мураккабликлар, қийинчиликларга қарамай ТошДД ҳам, вазирлик ҳам қўлларидан келганча кўмак беряптилар. Лекин, муаммоларимиз кўп.

Лицейимиз ТошДД дан анча узоқда жойлашган. Бу ишимизда кўп қийинчиликлар келтириб чиқаряпти. Чунки лицей дорилфунун қошида бўлгани учун, унга яқинроқ бўлиши керак. Шунда, талабаларимиз ТошДД лабораторияларидан, кутубхона, ҳисоблаш марказидан фойдаланиш имконига эга бўлардилар. Қолаверса, дорилфунуннинг кўпгина ўқитувчиларини бизда дарс ўтиш учун таклиф этолмаймиз. Йўл узоқлиги сабабли улар дорилфунундан бўш вақтларида ,улгура олмайдилар ва лицейда дарс беришга рози бўлмайдилар. Тушунамиз, бу масалани ҳал этиш анча мушкул, буни биз вазирлик олдига қўймоқчимиз.

Мактаб-интернатнинг хўжалиги иқтисодий жиҳатдан анча ночор ҳолга тушиб қолган, бор жиҳозлар эскирган. Жорий таъмир ишлари учун 5 миллион пул керак. Албатта, бу ҳазилакам пул эмас, лекин таъмирламаса бўлмайди. Ўйлардимки, қанчадан қанча битирувчиларимиз бор, улар яхши-яхши лавозимларда ишлашади. Қани энди улар «Келажакда бизларнинг ишимизни давом эттирадиган ўғил-қизларимизнинг бугунги аҳволи қалай?»,— дея ҳаммамиздан хабар олишса, баҳоли қудрат қўлларидан келганча ёрдам беришса...

Лицей жамоаси директор бошчилигида ёшларга пухта билим бериш билан бирга, уларда адабиёт ва санъатга ҳам меҳр уйғотиб, қалбларида эзгулик уруғларини сепмоқдалар. Биз бу ерда бўлганимизда ўтказилган кеча фикримизга далил бўла олади. Шу куни ўзларининг назокатли шеърлари билан танилган шоиралар — Шарифа Салимова ва Санобар Фахриддинова, «Саодат» журнали масъул котиби Чори Латипов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги дуторчи қизлар дастаси мусиқа раҳбари Замира Раҳматуллаева хушовоз хонанда Раъно Бўроновалар талабалар меҳмони бўлдилар.

Ёшлар учрашув меҳмонларини турли мавзудаги саволларга «кўмиб» ташладилар. Балоғат ёшидаги ўсмирларнинг ҳаёт, муҳаббат, ёшлик, санъат, шеърият ҳақидаги саволларига жавоб бериш ҳам мароқли эди. Шу боис шоиралар уларни қизиқтирган барча саволларга бажонидил жавоб бердилар. Ўз ижодларидаги энг сара ва янги шеърларини улар ҳукмига ҳавола этдилар. Шеърларга қўшиқлар уланди. Дпрабо қўшиқларга ўқитувчилар ва ўқувчилар завқ билан рақсга тушдилар.

Зулҳумор ЖУРАЕВА.

ВАЗИФАСИ—ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТГА КЎМАКЛАШИШ

Бутун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига кириб бормоқда. Шу туфайли мулкчиликнинг турли шакллари юзага келаяпти. Давлатнинг иқтисодиётга якка ҳокимлиги сусайиб, мулкчиликнинг хусусий, жамоа, ижара, ширкат, ассоциация ва шу каби бошқа шакллари кўпайиб бормоқда.

Уларнинг фаолиятини аниқ мақсадга — аввало халқнинг кенг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашишга йўналтириш, тадбиркорлик, ишбилармонликнинг ривожланишини таъминлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур шароитларни яратиб бериш, кенгайишига тўсқинлик қиладиган муаммолари, мулкчиликнинг янги шакллари иши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи махсус раҳбар ташкилотни тузиш зарур бўлиб қолди. Шу мақсадда вилоят иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига оид қарорларнинг бажарилишини назорат қилувчи комиссия тузилди.

Вилоят давлат назорати бошқармаси ҳузурида ташкил этилган бу комиссиянинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг таркиби ўттиз кишидан иборат тузилди, унга вилоятдаги барча шаҳарлар ва туманларда ташкил этилган шундай комиссияларнинг раислари, вилоят давлат назорати бошқармаси, касаба уюшмалари ходимлари, ишбилармонлар, иқтисодчи мутахассислар кирди. Комиссиянинг тўққиз кишидан иборат кенгаши тузилди. Йилнинг биринчи чорагининг қолган вақти учун иш режаси тасдиқланди.

ЧИНОР ХУШХАБАРЛАРИ

ОҲАНГАРОН районн Инқилоб қишлоқ шўросининг Чинор қишлоғини ободонлаштириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолисини шу кунгача ичимлик суви танқислиги қийнаб келарди. Чунки улар яқин кунларгача оқар сувлардан фойдаланардилар. Яқинда 60 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

Кейинги ўқув йилидан бошлаб қишлоқ болалари янги, шинам мактаб биносига эга бўладилар. Бу ерда Ўрта Осиё кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиш ташкилоти томонидан 422 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қуриб битказилмоқда.

Қишлоқ аҳолисига кундалик харид моллари дўкони ҳамда 50 ўринли касалхона қурилиши учун ер ва маблағ ажратилганлиги ҳам чинорликларни беҳад қувонтирмоқда.

У. МАНСУРОВА.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ҚОЗОҒИСТОН президенти Нурсултон Назарбоев Миср Араб Жумҳуриятига ташриф буюрган собиқ совет республикалари бошлиқларидан тўртинчиси бўлди. Мисрга сафар қилган президентларнинг умумий сиёсати бирбирига ўхшаш бўлса ҳам Н. Назарбоев Қозоғистон сиёсатининг ўзига хос томонларини намойиш қилди. Олмаота Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида алоҳида роль ўйнамоқчи эканлиги суҳбатлар давомида таъкидланди. Қоҳирада ўтказилган матбуот мулоқотида Назарбоев Қозоғистон Ўрта Шарқ масалаларни бўйича амалга оширилаётган масалаларда ҳамда «тинчлик жараёни» муаммоларида фаол иштирок этади, деди. Бу — Миср билан Эрон муносабатларига доир масалаларда Қозоғистон воситачи бўлиши мумкин, деган маънони англатади.

● УТГАН якшанба куни Кипрда президент сайловларининг иккинчи давраси бўлиб ўтди. Шиддатли курашда ўнг буржуа йўналишидаги Демократик йиғин партияси раҳбари Глафкос Клиридис ғалаба қозонди. У сайловчиларнинг 50,28 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди. Унинг мухолифи — ўз номзодини иккинчи марта қўйган Георгиос Василиу 49,72 фоиз овоз олди.

Глафкос Клиридис 1919 йилда Никосияда таваллуд топган. Кипр ҳамда Буюк Британияда таҳсил олган. 1939 йилдан бошлаб, Британия ҳарбий-ҳаво кучлари таркибида хизмат қилиб, фашистлар Германиясига қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. 1942 йилда немислар ҳудуди устида уриб туширилганидан сўнг 1945 йилгача асрликда бўлди. Икки марта қочишга ҳаракат қилди, аммо муваффақиятсизликка учради. Урушдан сўнг Лондонда ҳуқуқ илмини ўрганди, кейин ўз ватанида оқловчилик амалиёти билан шуғулланди Г. Клиридис Буюк Британия колониал ҳукмронлигига қарши курашнинг фаолларидан бири бўлган. 1959—1960 йилларда — жумҳурият таъсис этилаётган пайтдаги ҳукумат таркибида адлия вазири лавозимини эгаллади. 1960—1976 йилларда Кипр республикаси вакиллар палатасининг доимий раиси бўлди. Сўнгги йилларда у демократик йиғин партиясини таъсис этиб, унга раҳбарлик қилди. Бир қизи бор. Унинг рафиқаси— Лилла — Ҳиндистон фуқаросидир.

● ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Франция Тайванга катта миқдордаги «Мираж-2000» ҳарбий тайёраларини сотиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Яқинда бу давлат билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида «Леклерк» танкларини сотиш юзасидан битим тузилди. Бу ҳақда хабар берган «Парижьен» рўзномаси бундай битим 50 минг кишини иш билан таъминлаш имкониятини беради, деб ёзди.

● ЯПОНИЯДАН Жанубий Кореянинг Пусан портига келган кема божхона ходимлари томонидан тинтув қилинганида унинг устида «СССР» деган тамға босилган олтин қуймаларини топиб олди. РЕНХАП ахборот агентлигининг хабар қилишига қараганда, собиқ совет олтинларини Жанубий Кореяга олиб ўтишга биринчи марта ҳаракат қилинган. Контрабандачилар ҳозир сўроқ бермоқдалар.

● ЯҚИНДА Венгрия пойтахти Будапештда 30 дан зиёдроқ мамлакатларнинг вакиллари Оврўпога қочоқлар келиши ҳамда яширин муҳожирларга бағишланган кенгашга тўпландилар. «Свобода» радиосининг хабар қилишича, бу жараёнда Россия алоҳида роль ўйнайди. Чунки, Оврўпога келадиган қочоқларнинг ҳамда муҳожирларнинг кўпчилигини баайни Россия фуқаролари ташкил этади, деб кутилмоқда.

● ЯКШАНБА куни ўз маъшуқаси билан учрашувга кетаётган Мексика фуқароси Домингес Сиснерос кўчада бинойидек ўралган банк чекларини топиб олди. Тўртта чек ёзувлари.... 120 миллион долларни кўрсатиб турарди. Ҳалолликни қарангки, Д. Сиснерос бу чекларни ўзлаштириш ўрнига дарҳол прокуратура ходимларига тилхат олиб топширди. Прокуратура чеклар соҳибини аниқлади. У Мексиканинг хусусий энг катта банкларидан бирининг хўжайини экан. Банк раҳбарияти чекларни топиб олган кишига фақат миннатдорчилик билдириш билан чегараланди, холос.

● СОБИҚ СССР президенти М. Горбачевнинг халққа қарши, Конституцияга қарши фаолиятини тергаш билан шуғулланаётган жамоатчилик комиссиясининг раиси В. Илюхин бу ишга доир ҳужжатларни халқ трибунали мажлиси эрталаб соат 10 да Ленинград район кенгашининг биносида очилади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

„КИМ ПЕН ХВА“ — ИШБИЛАРМОНЛАР МАКТАБИ

БИЛИМДОН, ТАДБИРКОР, ХАЛҚПАРВАР

Унинг номи вилоятимиз ёки республикамиздагина эмас, ҳамдўстлик давлатларида, бошқа қатор чет мамлакатларида машҳурдир. Зукко олим, ишбилармон раҳбар, меҳрибон инсон ва очиққалб мураббий Турғун Мадиёров кўп йиллар давомида ночор ҳолда келган, қарзга ботган бир хўжаликка раис бўлгач, уни оёққа қўйди, равнақ топтирди. Колхозчиларнинг фаровонлигини таъминлади. Унинг ташаббускорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши уйғунлашиб, Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги шаҳар тусини олган деҳқончилик саноат ишлаб чиқариш халқ корпорациясига айланди.

Раснинг мартабаси яна ортиб, эндиликда шу корпорацияга президентлик қилмоқда. Бу юқори лавозимда ҳамон аввалгидек сергайрат.

Яқинда у кўпчилик акционерлар қатори ўз издоши, ажойиб ташкилотчи ва заҳматкаш мутахассис Тўйчи Мамановни корпорация бошқаруви раиси қилиб сайлаганлиги билан қутлади.

* * *

Мазкур саҳифада корпорация президенти оқ йўл тилаган янги раис билан мулоқот ва хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар эътиборингизга ҳавола этилади.

УСТОЗИДЕК ИШЧАН ВА ҒАМХЎР

Тўйчи МАМАНОВ — икки олийгоҳни тугаллаган, етук мутахассис. Олий маълумот олгач, комсомол ишида тобланди, кейин Бектемир тажриба пахта заводида техника хавфсизлиги мухандиси, меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи, касаба уюшма қўмитаси раиси, директор муовини сифатида чиниқиш йўлларини босиб ўтди. Сўнгра «Ўртасарой» пахта пункти мудири, «Қорасув» пахта тозалаш заводи директори муовини лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида тижорат ишлари бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлаган йилларида унинг ўта ишчанлик, тадбиркорлик ва ташкилотчилик қобилиятлари янада яққол кўзга ташланди. Биз корпорацияда бўлганимизда оддий кишилардан, пенсионерлардан у ҳақда «Устозидек ишчан ва ғамхўр», «Узоқни кўзлаб иш юритади», «Одамларни ўйлайди», «Аввало яхши инсон», «Тадбиркорлиги билан танилган» деган сўзларни эшитдик.

Янги раисга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Тўйчи Маманович, аввало Сизни янги лавозим билан табриклайман. Раис қилиб сайланган кунингиз бундай машҳур корпорацияни бошқариш масъулиятини анча ўзгачароқ ҳис этган бўлсангиз керак?

— Шунча йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишлаган бўлсам ҳам акционерларнинг бу катта ишончи мени анча ҳаяжонга солди. Турғун акадек ҳам назарий, ҳам амалий пухта кишининг ишини қилиш ҳар қандай одамга катта масъулият юклайди. Айни пайтда кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши ўзгача руҳ ва мадад бахш этганлигини ҳам яширимайман. Қолаверса, корпорация президенти, устозим лавозимда юқорилагани билан шогирдини раисликка дахлдор ишларда ёлғизлатиб қўядиганлардан эмас. Турғун аканинг маслаҳатлар билан ёрдамларини аямаслигига ишончим комил. Корпорациямиз акционерларининг хўжалик юритишдаги янгича услубларни батафсил тушуниб олганликлари, улар учун яратилаётган қатор-қатор қулайликлар ҳам бошқарувда мушкулликни осон қилиб боради, деган фикрдаман.

— Корпорацияда хўжалик юритишнинг янгича услуби ҳақида тўхталсангиз.

— Кўп йиллар мобайнида хўжалигимиз асосини пахтачилик ташкил этиб келганлиги сир эмас. Биз етиштирилган маҳсулотларни давлатга топшириш билан чегараланар эдик. Кейинчалик ҳаётий тажриба ҳосилни қайта ишлаш, колхозчилар эҳтиёжидан ортиғини сотиш орқали даромадни кўпайтириш зарурлигини тақозо этди. Шу тариқа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши саноат билан «тил» топиша бошлади. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва мустақил бошқариш асосида ижара ширкатлари тузилди. Бу эса рентабелликни ошириб борди. Бозор иқтисодига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш ва бошқариш жараёни такомиллашиб борди ва бунинг самараси сифатида мустақил деҳқончилик фирмалари вужудга келди. Бу фирмалар аслида ижара асосида иш олиб борувчи оилавий деҳқон хўжалиги бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари, халқ истеъмоли моллари тайёрловчи корхоналар ҳамдир. Улар аҳолини иш билан таъминлаб, ўзимизда етиштирилган хом ашёдан арзон баҳода халқ истеъмол моллари етиштириб бермоқда.

Қишлоқ хўжалигининг саноатлашуви, яъни фирмалар, кичик ва қўшма корхоналар мажмуи асосида шаклланган тизим — корпорация ҳозирги пайтда хўжаликни бошқаришнинг энг илғор усули бўлиб қолди. Хусусан, бизнинг корпорациямиз ҳам 18 та кичик корхоналар ва қўшма корхоналар фаолиятини ҳам бошқариб бормоқда. Ички ва ташқи бозорга пахта толаси, чигит, кунжара ва пахтачилик маҳсулотлари, тайёр кийимлар, гуруч, гўшт, сут маҳсулотлари, пилла ва бошқа маҳсулотлар етиштириб бермоқда.

Энди акционерлик хусусида икки оғиз сўз. Акционер — бу колхозчи, деҳқон. У корпорацияда ташкил этилган акционерлар жамияти жамғармасига дастлаб минг сўм пул қўйган, бошқача айтганда, акция сотиб олган шахс. Унинг бу пули корпорациянинг ҳар йилги соф даромади ҳисобига кўпайиб бораверади. Бу йил жамият аъзоси бўлган 1605 нафар киши, шу жумладан, пенсионерлар ҳисобига 14 миллион сўм пул ўтказиб қўйилди. Йиллик даромаддан ташқари, ана шундай маблағи йиғилиб бораётган деҳқоннинг, кичик ёки қўшма корхона ишчисининг кўнгли хотиржам, кайфияти чоғ бўлиши, табиий. Ҳисоблаб кўрилса, ҳар бир акционер 60—70 ёшга боргунга қадар анчагина маблағли бўлиб қолади. Ҳозир минг сўмдан қўйган ҳар бир деҳқоннинг ҳисобида 10 минг сўмдан маблағ тўпланди.

— Корпорациянгизни тадбиркорлар мактаби ҳам дейишмоқда. Бунинг бонси, сизнингча нимада?

— Шундай дейишларига асос бор. Бизда 18 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларга корпорация бошқаруви раисининг кичик корхоналар бўйича муовини Жаҳонгир Қосимхўжаев, малакали мутахассислар Фахриддин Мадиёров, Дилшод Полвоновлар бошчилик қилишмоқда. Кичик корхоналар атлас, жемпер, болалар трикотажи, шарф, рўмол ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Бу маҳсулотлар харидорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу ҳол ўз навбатида кўпчилик тадбиркорларни қизиқтириб қолди. Ишларимизни Қўқон шаҳри, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир қатор шаҳарларидан келиб ўрганиб кетишмоқда. Биз бу мактабни яна ҳам кенгайтирамиз, деган ниятдамиз.

— Корпорацияни айланиб юриб, катта шаҳарларникидан қолишмайдиган даражадаги саноат корхоналарида бўлдим. Улар яна кўпаядими?

— Ип йигирув фабрикамиз, тўқув цехимизни назарда тутяпсиз, шекилли. Чиндан ҳам уларни ростмана саноат корхоналари дейиш мумкин. Ўтган йили замонавий дастгоҳлар, ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етди. Уларнинг кўплари чет эллардан келтирилган. Энди иш бошланади. Аниқроғи калава ишлаб чиқариш бўйича дастлабки маҳсулот олинди. Бўз тўқишга ҳам киришилди. Ёғ заводимиз эса Ўртачирчиқ районининг аҳолисининг эҳтиёжини қондириб турибди. Пахта заводимизнинг бу корхоналар билан ёнма-ён бўлиши ишимизнинг муваффақиятини таъминламоқда. Шу кунларда ипак фабрикаси — калавага жило ва ранг бериш корхонаси ҳам қад кўтармоқда.

Ўтган йили пахтачилик, чорвачилик, шоликорлик ва кичик қўшма корхоналар бўлиб ҳаммасидан 161 миллион сўмлик даромад олинди. Шундан 58 миллион сўми соф фойда. Ҳар бир акционернинг ўртача йиллик даромади 50 минг сўмни ташкил этди. 150—200 минг сўмга етказиб даромад қилганлар ҳам бўлди. Кўриб турибсизки, умуман меҳнат қилган, тадбиркор бўлган киши кам бўлмайди. Биз бундан буён ҳам кишилар фаровонлигини ўйлаб ишлаб чиқаришни такомиллаштириб борамиз. Иш жараёнимизга кўпроқ илмий асосланган ғояларни жорий қилишга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда чет эл корхоналари, ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорлик ҳам кучайиб боради.

— Ҳар йили юқори даромад олиниаётган бу хўжаликда ижтимоий-маданий ўзгаришлар ҳам салмоқли бўлса керак, тўғри эмасми?

— Албатта. Корпорацияда раҳбарларнинг асосий фаолияти меҳнат кишисини чинакам қадрлаш ва шарафлашга қаратилган. Шон-шуҳрат музейимизга кирган киши бунинг гувоҳи бўлади. Ўтган йили жуда муҳташам «Ишлар уйи» фойдаланишга топширилди. Табиий газдан баҳраманд бўлмаган биронта хонадон қолмади. Кўчалар, йўлкалар тўла асфальтланди. Маданий муассасаларда кексалар билан учрашувлар, меҳр-оқибатга бағишланган мурувват кечалари, концертлар ўтмоқда. Фахрийларнинг таваллуд топган кунлари нишонланиб борилаётир. Хўжаликда 4 та мактаб, 2 та боғча ва ясли, клуб, кутубхона, спорт иншоотлари мавжуд.

Биз корпорациямизнинг кўпгина жараёнларини илмий асосда йўлга қўйишни бошлаб юбордик. Дастурримизга ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қайта ишлаш ва зарур ҳолда натижалардан фойдаланишни шахсий компьютерлар ёрдамида бажаришни кўзда тутувчи чора-тадбирлар киритилган. Келгусида иқтисодчи мутахассислар ва бошқарувчилар учун автоматлаштирилган иш жойларини жорий этиш имконияти ҳам яратилади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

● ЎКТАМ ҲОЖИЕВ ёшлигиданоқ касбга меҳр қўйди. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида, айниқса, меҳнат дарсларида у яйраб кетарди. Ўқитувчининг дастгоҳлар тузилиши, уларнинг нима мақсадларга хизмат қилиши тўғрисидаги сўзларини диққат билан тингларди. Мактабни битиргач Ўратепа шаҳарчасидаги ип-йигирув фабрикаси ёш йигитчани ўз бағрига олди. Устозлар одобли, ўткир зеҳнли Ўктамга пайпоқ тўқиш ҳунарини ўргатишди. Энди эса дўсти Собиржон билан ўзи бошқаларга устозлик қилмоқда. Корпорацияда очилган тўқув цехида унинг ўлаб шогирдлари бор. Суратда: Ў. Ҳожиев иш жараёнида.

САНОАТ ШАҲАРЧАМИЗ БОР

Илгари ҳеч ким жамоа хўжалигимизда бунақа катта саноат корхоналари қурилишини тасаввур қилмаган бўлса керак. Шунинг учун фабрикамизга келган меҳмонлар, мутахассислар улкан дастгоҳлар ўрнатилган бу цехларга ҳайрат билан қарашади. Тошкент тўқимачилик комбинатининг кичикроқ нусхаси кўчиб келибдими, деб ҳазиллашиб ҳам қўйишади. Самимий айтилган бу гаплар албатта биз учун қувонарли.

Ўтган йилнинг сўнгги ойларида жиҳозланиб бўлган фабрикамизда 30 та ип йигирув дастгоҳи ўрнатилган. Уларда икки сменада 250 нафар ишчи банд бўлади. Биз асосан калава тайёрлаш билан шуғулланамиз. Дастлабки маҳсулотни олдик. Сифати яхши. Фойдаланишга топшириш арафасида турган тўқув цехимизда бу калавалар турли матоларга айланади.

Лекин биз бу билан чеғараланиб қолмадик. Ҳар бири 1 миллион 200 минг сўм турадиган трикотаж тўқув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатяпмиз. Шу кунларда созловчилар уларни иш ҳолатига келтириш жараёнини амалга оширмоқдалар. Фабрикамизда иш услуксиз усулда: пахта заводи — ип йигирув цехи — тўқув цехлари» тарзида ташкил этилган. Бу эса хом ашёдан унумли фойдаланиш, сарф-харажатни камайтиришдан ташқари ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этишни ҳам таъминлади. Пахта заводимиз шундоққина ёнимизда бўлганлиги учун хом ашё билан таъминлаш борасида ҳам қулайликка эгамиз. Ўзига хос саноат шаҳарчамиз бундан буён янада ривожланиб бораверади.

Ғафуржон ҒУЛОМОВ,
ип йигирув фабрикасининг мухандиси.

МАҲСУЛОТИМИЗГА ТАЛАБ КАТТА

Кўпчиликнинг имтиҳонидан ўтиш осон эмас экан. Ўтган йили мустақиллик байрами арафасида «Тантана куни маҳсулотларингизни савдога олиб чиқасизлар, шунга ҳозирлик кўринглар» деган топшириқ олдик. Бунақа пайтларда одам бошқача бўлар экан. Фирмада тўқилган жемперлар, трикотаж бош кийимлар, шарфларнинг борини картон қутиларга жойлаб қўйдик, чалаларини ниҳоясига етказишга киришдик. Негадир, ҳар биримизда ҳаяжон бор эди. Ҳаммадан ҳам цех устаси Ўғилой Субонова кўпроқ ташвишланарди. Тўқувчиларга «Эртага синовдан ўтадиган кунимиз, сифатга эътибор беринглар, сифатга» деб тайинларди. Қизлар бўлса «Асло ғам чекманг, бунақа жемперларни қўллари қўлларига тегмай талашиб олиб кетишади», деб ишонч билан жавоб беришар эди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Сайил бозорида районимиз меҳнаткашлари маҳсулотимизни икки соат ичидаёқ харид қилиб қўяқолишди. «Барака топинглар, ўзимиздан чиқса ҳам бўлар эканку, бунақа чиройли кийимлар» деб бири хурсанд бўлса, бошқаси қалинлиги, пишиқ-пухталигини айтиб, арзон олганидан ўзида йўқ шод эди. Харидорларнинг бу ҳолатларидан мен ҳам суюнардим. Биз эл кўригидан муваффақиятли ўтдик.

Навбатдаги иш кунларининг бирида 25 нафар хизматчиларимизни тўплаб йиғилиши ўтказдим. Уларга миннатдорчилик билдирдим. Кейин қандай қилиб маҳсулотни кўпайтириш мумкин, деган масала ўртага ташланди. Маслаҳатлашиб олгач ишни икки сменада ташкил этишга келишдик. Бу бизга бир дастгоҳда сменалар давомида учта жемпер тўқиш мумкинлигини кўрсатди. Шу тариқа маҳсулот тайёрлаш кўпайди. Момиқ рўмоллар тўқиш жараёнини ҳам шу тарзда йўлга қўйдик.

Кичик корхонанинг ўзига хос қулайлиги яна шундаки, бунда интизомсизликка, ўзини уёқ-бўёққа ташлашга ўрин йўқ. Ҳар ким ишини билиб қилади. Чхши маош олиш учун унумлироқ ишлашга интилади. Бу жиҳатдан олганда Гулсара Қосимова, Равшаной Мусақулова каби тўқувчилар, ва Сафар Масавуров, Лутфулла Пўлатов сингари дастгоҳ созловчилар иши эътиборга лойиқ. Уларнинг фаолликлари туфайли ўтган йили оёққа туриб олдик. Иш бошлаганимиздан кейинги олти ой ичида ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Шуни айтиш керакки, ишчиларимиз Японияда келтирилган «Тойота», ҳамдўстлик давлатларидан олинган ПВРК ярим автоматларини пухта ўрганиб олганлар. Москва саноат корхоналаридан сотиб олинган «Алиса», «Нива» маркали дастгоҳларда ҳам рўмол тўқиш яхши ўзлаштирилди.

Февраль ойи ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш режасини зиммамизга олганмиз. Бутун ҳаракатимиз уни бажаришга қаратилган.

Фахриддин МАДИЕРОВ,
«ЭРА» фирмасининг директори.

ФАРЗАНДЛАРИГА ЎЗИ БОШ—ҚОШ

Хотам ака ҳақида корпорация раиси Тўйчи Маманов йўл-йўлакай бизга қиқоя қилиб борди. Унинг ажойиб мутахассислиги, меҳнатсеварлиги, ўта тадбиркорлиги, оилада эса фарзандларига тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи, айни пайтда тарбия борасида талабчан ота эканлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлар эди.

Шундай мураккаб шароитли кунларда бутун Ўртачирчиқ райони аҳолисини пахта ёғи билан таъминлаб турган ёғ заводига кириб борганимизда бу сўзлар беҳуда айтилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Тик қоматли, барваста елкали киши биз томон яқинлашар экан, чеҳрасида табассум ёлқинланди.

— Келганинглар қандай яхши бўлди-я,— деди у самимий сўраши,— завод олдидаги майдонни тайёрлаб қўйганман, помидор, булғор қалампир кўчатари тарқатилганда биз эсдан чиқиб қолмайлик, эртароқ буюртма берай, деб бугун ўзим идорага кириб ўтмоқчи эдим. Ҳар турли экинлардан экиб қўймоқчимиз. Ёзда зориқмай, ўзимиз етиштирган маҳсулотларни истеъмол қилаверамиз.

— Қандай кўчат керак бўлса, албатта таъминлаймиз,— деди раис.

Хотам ака миннатдор бўлди.

Кейин бизга кузда экиб қўйган чаканда (облепиха) кўчатларини кўрсатди. Келгусида ундан район дорихоналари учун шифобахш ёғ етказиб бериш нияти борлигини айтди.

Биз кенг майдон ёқасидаги асфальт йўл бўйлаб Хотам Саидаҳмедов президентлик қилаётган «Рустам» фирмасининг ёғ заводига кирдик. Бу ерда иш қизғин. Улкан дастгоҳлар бодроқ чигит уюмларини ютиб гувиллайди. Пастдаги қозонда эса рўзғорнинг ноёб неъмати — ёғ бир маромда қуйилмоқда. Дастгоҳлардан бирига яқинлашдик. Бўйчан, паҳлавонгина йигит ишчилар билан нималарнидир сўзлашарди. У бизни кўриши билан келиб саломлашди. Ўзини Баҳром деб таништирди. Хотам аканинг ўғли экан. Шу корхонада бош муҳандис бўлиб ишлаяпти.

— Заводда суткасига бир ярим-икки тонна атрофида ёғ маҳсулоти тайёрланмоқда, — дейди Б. Саидаҳмедов,— кейинчалик бошқа дастгоҳлар ҳам ишга тушиб бу кўрсаткич ошиб боради. Биз заводни отам, мен, укам — бош директор Акмал Саидаҳмедов билан биргаликда бошқаряпмиз. Соҳамиз бир — озиқ-овқат саноати мутахассисларимиз.

Баҳромнинг сўзларини тинглар эканман. Хотам аканинг цехга киришдан аввал «Умрларидан барака топишсин фарзандлар бир-биридан қобил, ишчан, сергайрат, ишбилармон бўлишди. Бу бирдан-бир орзуим эди» — деб бизга айтган сўзларини эсладим.

Ҳа, ота орзуси ушалди. У уруғдан кейинги оғир йилларда ҳаётини ишчиликдан бошлаганда ҳам, олийгоҳда билим олган йилларида ҳам, турли вилоятларда ёғ заводлари қурган пайтларида ҳам, Гулистон шаҳри ёғ заводида директорлик қилган чоғларида ҳам ўғилларининг элга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилган эди.

Ўтган йил бошида ҳокимликдагилар ва Ким Пен Хва номли корпорация раҳбарлари Хотам Саидаҳмедовдан Ўртачирчиққа қайтишни ва ёғ заводи қурилишига бошчилик қилишини илтимос қилишган эди. Эндиликда ота ўғиллари билан эл рўзғорини бутлаш йўлида фидойилик кўрсатмоқда. Шу йили корхона ишлаб чиқарган маҳсулотни соҳа мутахассислари стандарт даражасида эканлигини алоҳида қайд қилдилар.

Заводда фақат ёғ эмас, фермер хўжаликлари, аҳоли чорваси учун кунжара, шелуха каби маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда.

Корхона билан батафсил танишдик. Бу ерда фирма раҳбарияти, ҳисобчилари учун чоғроқ идора, ишчиларнинг дам олиш, овқатланиш хоналари ҳам қурилмоқда. Айрим хоналарда қурувчилар пардоз ишларини олиб бормоқдалар. Ана шу хоналардан сал нарида ҳовуз кавлаб қўйилган.

— Балиқ боқиш режамиз ҳам бор,— дейди Х. Саидаҳмедов,— умуман имкониятларимиз кенг. Фақат ундан оқилона фойдаланиш керак.

Хотам ака билан хайрлашдик. У бизни кузатар экан, корхонага томон тушган йўлнинг 30 метрча асфальт бўлмай қолган қисминн ҳам битириб беришни илтимос қилди.

— Эртага техника келади — дейди Т. Маманов,— албатта, йўл текисланади.

— Баҳайбат иншоотлари осмонга бўй чўзган корхона орқада қолди. Аммо анча вақтгача икки фарзандини қаноти остига олиб эл рўзғорини бисёр қилиш йўлида фаолият кўрсатаётган Хотам аканинг жонбозлиги кўз олдимдан нари кетмади. Қани энди халқи учун меҳрибонлик кўрсатадиган бундай фидойи оилалар кўп бўлса, деган ният хаёлимни чулғаб олганди.

Х. САИДВАЛИЕВ.

ДАСТГОҲЛАР ИШГА ТУШДИ

Тўқув цехи ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин маҳсулотлари анча манзурлиги сезилиб қолди. Эркаклар пайпоғини тўқишни тамомила ўзлаштириб олдик, десак бўлади. Бунда бизга кўп йиллардан бери Ўратепа пайпоқ фабрикасида тажриба орттирган малакали мутахассислар Ўктам Ҳожиев, Собир Тошевлар ёрдам беришмоқда. Улар йигит-қизларга тўқувчилик сир-асрорларини ўргатаётирлар. Айни пайтда ҳамдўстлик мамлакатларидан олинган дастгоҳларни йиғиш, ўрнатишда ҳам бизга кўмаклашмоқдалар.

Ҳозирча тўқув ва тикувчилик цехларини ўз ичига олган кичик корхонамизда 35 нафар ёшлар ишлашяпти. «Ипак» фирмасига қарашли бўлган бу тармоқлар янада кенгайиб боради. Шу йилнинг бошиданоқ маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайди. Болалар учун тайёр кийимлар, шарф, аёллар гамажи, эркаклар пайпоқлари шулар жумласидандир.

Жамоамизда ўткир зеҳнли, касбини пухта эгаллаб, ҳозирданоқ баракали ишлаётган қизлар кўп. Машкура Ёқубова, Сурмахон Кайкулова, Людмила Тен, Света Сон, Саниям Йўлдошева, Назира Алтаева, Наргиза Мирмангуловалар бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Дилшод ПОЛВОНОВ,
тўқув цехи бошлиғи.



Суратда: ёғ заводида Ҳотам Саидаҳмедов (ўнгда) корхонада тайёрланган шелуха маҳсулотининг сифатини текширмоқда. Бош муҳандис Баҳром Саидаҳмедов ишчи Комилжон Маҳкамов билан мулоқотда.

Д. АҲМАД олган суратлар.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг бўлим мудири Саидвали ҲАСАНОВ тайёрлади.

КУЙ ЯНГРАЙВЕРСИН

ОҲАНГАРОН шаҳар мусиқа мактабида яқинда Бетховен, Бах, Моцарт, Сайфи Жалил, Мутал Бурхоновларнинг асарлари янгради. Уларни Ўзбекистон Давлат симфоник ва Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғу оркестрлари ижро этдилар. Бўлиб ўтган концертдан сўнг жамоатчи мухбиримиз А. Наврўзов мазкур мактаб директори О. Хотамов билан суҳбатлашди.

— Обид Нуралович, давлат оркестрларининг Оҳангаронга келиб концерт қўйиши кишига қандайдир эриш туюлади.

— Тўғри, лекин бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида сармоянгиз бўлса мақсадга эришиш қийин эмас.

— Концертга кетган сарф-ҳаражатларни ким ўз зиммасига олди?

— Хомийларимиз. Ғалла маҳсулотлари комбинати, асбоцемент заводи, Оҳангарон темир-бетон ширкати ва Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги 30 минг сўмдан пул беришди. Биз мазкур ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, санъаткорларни шаҳримизга таклиф этишдан мақсад болаларда мусиқага ҳавас уйғотиш, эстетик завқ беришдир. Болалар фақатгина мусиқа тинглаб қолмай, балки санъаткорлар билан яқиндан танишдилар. Эътиборимча, концерт вақтида болалар ўзларини қандайдир бошқа оламга кириб қолгандай ҳис қилдилар.

— Концертда кимлар бўлди?

— Мактабимиз талабаларидан ташқари биз болалар боғчасидан ҳам кичкинтойларни таклиф этдик. Шартномага кўра санъаткорлар 1992 йилнинг ноябрь ойидан бери белгиланган кунларда мактабимизга келишмоқда. Ўзаро ижодий мулоқот шу йилнинг май ойигача давом этади.

МУСИҚА МАКТАБИДА

— Обид Нуралович, эндиги саволим бевосита мактаб ҳаёти хусусида. Мухташам биноларингиз бор, шароит етарлига ўхшайди. Мусиқа соҳасидаги ютуқлар, муаммолар ҳақида сўзлагингиз.

— Мусиқа ихлосмандлари бизда ўзбек мусиқа асбоблари, шу билан бирга фортепьяно, баян, аккордеон, скрипка, пуфлаб чаладиган бошқа мусиқа асбобларини чалишни ўрганадилар. Бизни Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти, Тошкент Давлат консерваторияси ўз оталиғига олишган. Елена Тишенко, Абдуқаҳҳор Ойнақулов каби махсус маълумотли ўқитувчиларимиз бор.

— Собиқ ўқувчиларингиздан мамнунмисиз?

— Ҳа, албатта. Лекин кези келганда шуни айтиш керакки, ҳаваскор чолғучи бўлиш осон. Лекин етук санъаткор бўлиш қийин. Бунинг учун иштиёқнинг ўзи камлик қилади. Мактабимизда истеъдодли болалар кўп. Сизга бир мисол айтай. Мактабимизнинг собиқ талабаси Римма Хозиева Тошкент Давлат консерваториясини битириб, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ишламоқда. Мусиқадан бошланғич маълумотни бизда олган Эльвира Хозиева Киев давлат консерваториясининг охирги курсида таҳсил кўрмоқда. Ажаб эмас, мактабимизнинг ўз Шостаковичи, Бетховенлари етишиб чиқса. Лекин ҳамма жойдагидек бизда ҳам маблағ етишмаяпти. Қани энди хомийларимиз кўпайса.

— Обид Нуралович, халқимиз азалдан санъатга иштиёқманд. Айниқса, мусиқа кишини меҳнатга чорлайди. Кишига эстетик завқ беради. Шундай касбдаги кишиларни тарбиялаб жамиятимизга етказиб беришда сизга ижодий ютуқлар тилаймиз.

— Раҳмат.



ТАЛАБАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

ИҚТИСОДИЁТНИНГ бозор муносабатлари таркиб топа бошлагач, аҳолининг эиг кам таъминланган қатлами талабалар бўлиб қолган эди. Бироқ республика Президентининг саъй-ҳаракати боис, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор енгиллик ва қулайликлар яратилдики, бу талабаларнинг олдидаги муаммоларни ечибгина қолмай, уларнинг хотиржам сабоқ олишларини ҳам таъминламоқда.

Тошкент шаҳридаги талабалар шаҳарчасида ҳам бу борадаги муаммоларни баҳоли қудрат ҳал этиш шаҳарча ҳокимлиги диққат-эътиборида турипти. Яқинда ҳокимлик шаҳарчадаги маиший хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини ўрганиб чиқиб, янги сартарошхона очишни лозим топди. Тўғри, шаҳарчада бундай муассасалар оз эмас. Лекин ёшларнинг дидларига мос, замонавий типдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сартарошхона кам эди. Эндиликда талабалар янги иш бошлаган сартарошхона хизматидан мамнун бўлишмоқда.

Солиҳ ЗОНР,
ТошДД талабаси.

● Суратда: Содиқжон Фозилов ўз мижозига хизмат кўрсатмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҚАЛАМ

Тунлари пок маҳрамимдир, кўнглима ардоғ қалам,
Ёрга шеър битганда ўксик кўксим этди чоғ қалам.
Назм агар маъюслигимдан, хуморлигимдан бир нишон,
Уйғотиб сидқу вафолар, руҳим этди боғ қалам.
Кўзларимга нурли олам, зимзиё бўлган маҳал,
Шуълалар сочди ададсиз, кетди минг чарчоғ қалам.
Бенасиб қолдирмаганда даврим дардкаш ғамлари,
Қилди сўнгсиз дардларимни чораси андоғ қалам.
Неки дилда чин вафо бор, унга бўлсин то абад,
Бонси, Озод ҳаётин, айлади гулбоғ қалам.

ТЎРТЛИКЛАР

МАНГУЛИК

Дилбаримга содиқ-ёрлигим мангу.
Заррадай ҳижронга торлигим мангу.
Тонг елидай умрим йўқ бўлиб кетар,
Валек, севги ичра борлигим мангу.

ТАБИАТ

Қодир табиатнинг ўзи ҳур — наққош,
Ҳилолий сирғанинг заргари — Қуёш.
Ул сайёд инсоннинг домидан қўрққан,
Тоғдаги оҳунинг кўзларида ёш.

Озод КАРИМОВ.

БОБУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Бу йил буюк бобокалонимиз Бобур таваллуд топган кунига 510 йил тўлиши муносабати билан жойларда шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб адабий кечалар, мушоиралар ўтказилмоқда.

Куни кеча пойтахтдаги Глиэр номли мусиқа мактаб-интернатида ушбу тантанага бағишлаб китобхонлар анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманни мактаб директори Б. Умаров кириш сўзи билан очди. Сўнг Бобур ҳаётига бағишланган маъруза ўқиб эшиттирилди, ғазал ва рубоийлари ўқилди. Кечада мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Убайдулла Ғофуров раҳбарлигида саҳнага қўйилган ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидан «Фидойилик» деб номланган парча намойиш этилди.

Ўқувчилардан Анвар Ҳожиназаров — Бобур, Гўзал Парпижонова — Хонзода бегим ролларини маҳоратли акс эттирдилар. Улар танлаган миллий либослар ҳам ўша давр руҳини бериб турди. Кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ч. ЭРГАШЕВА,
Глиэр номли мусиқа мактаб интернати талабаси.

БАРЧАГА ЗАРУР МАЪЛУМОТНОМА

ТОШКЕНТ шаҳар Ҳокими маҳкамасидаги мутасаддилар аҳолига, районлар ҳокимликларига, корхона ва ташкилотларга, турли хизмат кўрсатиш идораларига қулайлик яратиш мақсадида бир хайрли ишни бажардилар. Пойтахт Ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси «Интердизайн» кичик корхонаси билан ҳамкорликда «Тошкент: янги номлар» маълумотнома-китобчасини «Меҳнат» нашриётида босмадан чиқарди. Мазкур маълумотномада Тошкент шаҳри бўйича номи ўзгартирилган районлар, даҳалар, мавзелар, кўчалар, истироҳат боғлари, метро бекатлари, майдонлар рўйхати тўлиқ берилган. Китобчада қулай бўлиши учун номлар икки устунда: чап томонда илгариги номи, ўнг томонда эса янгиси берилган. Маълумотнома ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқди.

А. МАҲАМАТКАРИМОВ.

ХАЛҚ БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти вилоят ҳудудида жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича турли хил услублардан фойдаланмоқда. Бундай тадбирлар самарали натижалар бермоқда. Шу йилнинг дастлабки ойида 10 кун давомида вилоят бўйича ўтказилган «Комплекс» махсус тадбир фикримизнинг далилидир. Унда асосий эътибор қонунбузарликнинг олдини олишга, содир этилган жиноятларни тезликда очишга, жойларда жамоат тартибини намунали равишда сақлашга қаратилди. Белгиланган тадбирлар махсус режа асосида олиб борилди. Бошқармалар ва хизматларнинг раҳбарларидан иборат штаб тузилди.

Жойлардан олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишчи гуруҳи томонидан бажарилди. Бундан ташқари оператив вазият мураккаб бўлган Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Тошкент, Зангиота районларида ушбу тадбирлар бевосита вилоят ички ишлар бошқармасининг ходимлари иштирокида ва раҳбарлигида амалга оширилди.

Махсус тадбирни ўтказишда 1467 нафар милиция ходими қатнашди. Тадбирнинг дастлабки ўн куни таҳлил қилинганда, тезкор-қидирув гуруҳлари томонидан 143 жиноят очилганлиги, 189 жиноятчи қўлга туширилганлиги аниқланди. Шунингдек хавфли жиноятлар ҳам очилди.

Зангиота районидаги «Барака» давлат хўжалигининг омборхонасидан Хитойдан келтирилган 3 миллион сўмлик 20 минг дона қоп ўғирланганлиги аниқланиб, Зангиота қўрғони милиция бўлинмаси ходимларидаи тузилган тезкор гуруҳ томонидан 3 кундан сўнг жиноятчилар қўлга туширилди. Улар шу давлат хўжалиги ишчилари Х. Аҳмедов, Н. Камолов, Х. Ғуломназаровлар эканлиги маълум бўлди. Ўғирланган моллар ўз эгасига қайтариб берилди.

Январь ойининг 23-куни тунда Келес шаҳар, А. Икромов кўчасида истиқомат қилувчи Хўжаохунова уйига 5 нафар номаълум киши қурол ўқталиб киришган. Зўрлик билан кўрилган тадбирлар натижасида шу шаҳарнинг У. Носир кўчасида яшайдиган, 1971 йилда туғилган Ж. Каримов қўлга олинди. Ҳозир унинг шериклари қидирилмоқда.

Уйма-ўй юриб, текшириш пайтида Зангиота қўрғони, Ғ. Тўраев кўча, 15-уйда истиқомат қилувчи, 1964 йилда туғилган фуқаро М. Тўраевнинг уйидан 600 литр спирт, кўп миқдорда қўлбола ароқ ва коньяклар топилди ҳамда мусодара қилинди. Шу куни шу қўрғондаги Г. Азизов кўчаси, 43-уйда яшовчи Н. Исонхўжаевнинг ҳовлисидан 2 минг шиша қўлбола ароқ, 45 литр спирт топилиб, мусодара этилди.

Умуман, 35 минг 532 та, хонадон ва уларда яшовчи 176 минг 216 фуқаро текширишдан ўтказилди. Шу даврда 3715 та паспорт режимини бузиш ҳоллари қайд қилинди. Ҳисобда турмаган 454 нафар, илгари судланган шахслар аниқланиб, рўҳатга олинидилар. Турли қонунбузарликлари учун 1209 нафар ўсмир ички ишлар бўлимларига олиб келинди, маъмурий қонунбузарликлар учун 9 минг 991 та расмий ҳужжат тўлдирилди. Шу жумладан, 164 нафар дайди аниқланиб, 198 та ноқонуний сақланаётган ов қуроллари мусодара этилди.

Участка нозирлари 328 нафар фуқародан ўз хонадонларини марказлаштирилган қўриқлаш пультларига бириктириш учун аризалар олишди.

Жиноятчиликка қарши курашнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилди. «Комплекс» махсус тадбирлари айниқса, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай, Бекобод районларида муваффақиятли амалга оширилди.

Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ўтказилган аҳоли билан суҳбатлар чоғида шу нарса маълум бўлдики, оддий ишчилар, меҳнаткашлар ички ишлар идораларининг бу ташаббусларини қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни илтимос қилмоқдалар.

Оққўрғон районида яшовчи фуқаро С. Алимов, янгийўллик Г. Ботиров, қибрайлик З. Жўраевлар бизга юборган мактубларида бундай тадбирлар халқ учун фақат фойда келтиришини, уюшган жиноятчиликнинг пайини қирқиш ва ҳаётимиздан йўқ қилиб ташлаш учун кескин кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлаганлар.

«Комплекс» деб номланган махсус тадбирнинг ижобий натижаларини ҳисобга олган ички ишлар бошқармаси раҳбарияти бундан кейин ҳам курашни янада изчил давом эттиришга қарор қилдилар.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг раҳбари, милиция майори.

● Жиноятчиликка қарши кураш—долзарб вазифа

ОҚҚЎРҒОН ХАБАРЛАРИ

А. ИКРОМОВ номли жамоа хўжалигининг Октябрь қишлоғида яшовчи ишбилармонлар — Абдукарим ва Шуҳрат Жумановлардан қишлоқ аҳолиси миннатдор. Улар ўтган йили бу ерда тегирмонни ишга туширган эдилар. Бу йил эса ака-укалар янги цех очишди. Эндиликда бу ерда соатига 1—1,5 тонна омухта ем тайёрлаш мумкин.

* * *

РАЙОН хўжаликларида хонадонларни табиий газ билан таъминлаш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бугунги кунгача «Озод», «Гулистон» ва «Қаҳрамон» жамоа хўжаликлари аҳолиси табиий газ билан таъминланди. Бундан ташқари хўжалик раҳбарлари ўз ҳудудларидаги мактабларни ҳам газлаштириб бермоқдалар. Жумладан, «Гулистон» жамоа хўжалигида жойлашган 42-мактаб тўла газлаштирилиб, ўқувчилар иссиқ хоналарда ўқишмоқда. Бунинг учун шу хўжалик ҳисобидан 100 минг сўм маблағ сарфланди.

У. МАНСУРОВА.

СПОРТ

ВИЛОЯТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИ

● ТОШКЕНТ вилояти спортчилари кўплаб турлар бўйича ўтказилаётган мамлакат биринчиликларида доимий равишда дастлабки поғоналарни эгаллаб келмоқдалар. Вилоятимизнинг район ва шаҳарларида жисмоний тарбия ва спортга нисбатан жиддий ёндошилаётгани қувонарлидир. Шунга қарамай олдинда турган қийинчиликлар, қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Яқинда Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Тошкент вилояти ва шаҳрида спорт ишларининг ҳозирги аҳволи хусусида очиқ мулоқот ўтказилди. Унда Қуйичирчиқ районида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича ўрнак олса арзигулик, кенг оммалаштиришга лойиқ ишлар амалга оширилаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

БОКС

● БУХОРОДА ўтказилган бокс бўйича республика шахсий биринчилигида деярли барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан юздан ортиқ чарм қўлқоп усталари 12 вазн тоифасида рингга чиқдилар.

Вилоятимиз боксчилари барча тоифада қатнашиб, 5 та биринчи, 5 та иккинчи, 6 та учинчи ўринларни эгаллаб, жами 16 медални қўлга киритдилар. Бундай юксак натижага эришишда ўртачирчиқлик Ҳамид Тўлаганов (48 кг), қуйичирчиқлик спорт устаси Ўйғун Сиддиқов (54 кг), чирчиқлик Булат Белосаров (60 кг) ва Икром Бердиев (71 кг) ҳамда қибрайлик Олег Маскаев (91 кгдан юқори)лар шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллаб, ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ғолиблар Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро турнирларда қатнашиб Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

ОҒИР АТЛЕТИКА

● ЯҚИНДА ёшлар (1973—76 йилларда туғилганлар) ўртасида республика шахсий-команда биринчилиги ниҳоясига етди. Бу мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз полвонлари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб лар.

Шахсий ҳисобда эса ангренлик Олег Перепечёнов (64 кг. устози — Л. Дигай) ўз вази тоифасида халқаро классдаги спорт устаси даражасини бажарган ҳолда ғолиб бўлди. Шунингдек, Бўстонлиқдаги Эдуард Юнкер (59 кг, устози — В. Суворов), чиноэлик Олег Огай (70 кг, А. Зверев, В. Аванесов)ларга ҳам энг юқори поғонага кўтарилиш насиб этди. Чирчиқлик мураббий — П. Сечёвнинг шогирдлари Дмитрий Сёмин (70 кг) ва Александр Шётин (64 кг)лар иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Ғолиб команда — Тошкент вилояти — 84 очко жамғарган бўлса, иккинчи ўринни эгаллаган бухороликлар — 76, учинчи ўринни олган андижонликлар 67 очкодан тўпладилар.

С. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЯНГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ

Давр талаби асосида она тилимиздаги мавжуд дастур ва дарсликлар такомиллаштирилиб, янгиларини яратишга қўл урилди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ва республика ўқув-услубий марказига ана шу ғоят долзарб масалани ижобий ҳал этиш учун кўзга кўринган услубиётчи олимлар, тажрибали ўқитувчилар жалб этилди. Таниқли олимлардан А. Ҳожиев, А. Нурмонов, А. Аҳмедов, А. Орифжонов ва бошқа илм-фан аҳллари бу ҳайрли ишга яқиндан бош қўшмоқдалар.

Шу самарали изланишлар натижаси ўлароқ V—IX синфлар учун «Ўзбек тили» дарсликлари тайёрланди. V—VI синфларга мўлжалланган дарсликлар ва дастур босилиб чиқди.

Ҳозир навбатдаги дарсликлар устида қизғин ишлар олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғ. Абдураҳмонов раҳбарлигида ёзилаётган дарсликни келтириш мумкин. Бу китоб юқори синф ўқувчиларига мўлжалланади.

А. АЛИЕВ.

● Таҳририятга хат

Хайрли ташаббус

ТОШКЕНТ шаҳридаги «Сариққўл» маҳалласида кейинги пайтларда турли тўй ва маросимларни иложи борича ихчам қилиб ўтказиш юзасидан амалий тадбирлар қўлланилмоқда. Айниқса, бирон киши вафот этган хонадонда етти, пайшанбалик, якшанбалик, йигирма, йил оши каби удумлар илгари одат тусига кирган бўлса, эндиликда уларга барҳам берилмоқда. Пайшанба, якшанба-ликлар, йигирма ўрнига шу кунлари марҳумнинг қариндош-уруғлари, маҳалла қариялари бир вақтга чақирилиб кичик бир йиғин ўтказилмоқда. Бу вақтда мўътабар қарияларимиз одоб-аҳлоқ тўғрисида, ҳадисдан намуналар айтиб, йиғилганларга маърифий тарбия бермоқдалар.

Р. ИСМАТОВ.

● Лўқма

ҚУЛОҚСИЗ ТЕЛЕФОНЛАР

Яқинда Абай кўчаси бўйлаб кетатуриб дўстимизга телефон қилиш зарурати туғилиб қолди. У ёқ-бу ёққа югура бошладик. Ишонасизми, бирорта автомат ҳам ишламайди. Бирининг гўшаги йўқ бўлса, иккинчисининг симлари турли томонга тўзғиб ётибди. Ниҳоят метрога тушиб, телефон қилмоқчи бўлдик. Аксига олиб, у ердаги телефон автоматларнинг ҳам иккитаси таг-туги билан, яна иккитасининг эса қулоғи йўқ. Қолганининг эса бориданйўғи...

Навоий номли, Абай номли, Бобур номли кўчалар, аэропорт, марказий ва жанубий темир йўли вокзаллари, Бешёғоч, Миробод, Олой бозорларидаги телефон автоматларининг учдан икки қисми қуруқ савлатгагина турибди.

Шу ўринда кишини бир нарса ажаблантиради. Телефон автоматларига Тошкент шаҳар телефон станцияси раҳбарлари панжа орасидан қараётган эканлар, наҳотки аэропорт, метро, темир йўл вокзалларидаги осойишталик посбонлари ҳам автоматларнинг ўғирланиб ёки яроқсиз ҳолга келиб қолишига бефарқ қарайдилар?

И. РУСТАМОВ.

● ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ ●

Азиз падари бузрукворимиз ИСОҚЖОН АБДУЛЛАЕВнинг табаррук 50 ёшлари билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Отажон, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Азиз ва меҳрибон отажонимиз

ЎЛМАСХОН СОБИРҚОРИ ўғли!

Сизни қутлуғ 52 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Фарзандларингиз бахтига доимо соғ ва омон бўлинг!

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти уюшма аъзоси, «Ғунча» журнали катта муҳаррири **Собит ҒОФУРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Янгийўл шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси В. Маҳмудовга онаси **Валиҳон СУЛАЙМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси 32. Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г-10. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31379 нусха босилади. 1 2 3 4 5 6